

"Зиғир" маҳалла фуқаролар йиғинида 3 километр масофадаги йўллар асфальтланмоқда



Учқўприк туманида қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрда қабул қилинган "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. "Зиғир" маҳалла фуқаролар йиғинида йўл инфратузилмаси билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида босқичма-босқич асфальтлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Айни вақтда маҳалла ҳудудида 3 минг метр масофадаги ички йўлларни асфальтлаш ишлари давом этмоқда.

Автомобил йўллари қўмитаси

Ахборот хизмат